




**В МУЙНАКСКОМ РАЙОНЕ БЫЛА ОРГАНИЗОВАНА ВРО-ШКОЛА**

5-бет.



**УЛАРНИНГ ОРАСИДА СИЗ ҲАМ БУЛИШИНГИЗ МУМКИН — CLEARVIEW AI ҲАММАНИ КУЗАТМОҚЧИ**

6-бет.



**ҲИСОБДАГИ МАБЛАҒНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ МУМКИН?**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**08 (1534)-son**  
**25-fevral**  
**2022**

@xabaruzofficial  
@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## ЎҚУВ КУРСЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Сирдарё вилоятида логистика бўйича ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали масофавий хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди. Шу муносабат билан IT-Парк Сирдарё вилояти филиалида ёшларни марказ фаолияти билан таништириш тадбири – Welcome day бўлиб ўтди.

Тадбирда АКТ вазирлигининг вилоят бошқармаси, IT-Парк дирекцияси, Revochain Technology МЧЖ компанияси директори ва вилоят соҳа ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур марказни ташкил этишдан асосий мақсад – Сирдарё вилоятида IT ва ВРО хизматлари экспорти ҳажмини ошириш, ёшларни АКТ соҳасига кенгроқ жалб қилиш ҳамда юқори маошли иш билан таъминлаш, уларга ўз худудидан туриб хоржий компаниялар билан ишлаш имкониятини яратишдан иборат.

Марказда 20 нафар иқтидорли ёшлар учун уч ойлик ўқув курсларига старт берилди.

## ИНТЕРНЕТДА ЭНГ ОММАЛАШГАН ТИЛЛАР

(ВЕБ-САЙТЛАР ВА ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЛУШИ ФОИЗЛАРДА)

Инглиз тили — сайтлар (63,7),  
фойдаланувчилар (25,9)  
Рус тили — 6,8 / 2,5  
Испан тили — 3,6 / 7,9  
Француз тили — 2,5 / 3,3  
Немис тили — 2,0 / 2,0  
Хитой тили — 1,3 / 19,4  
Араб тили — 1,3 / 5,2  
Португал тили — 0,7 / 3,7



Манба: Statista

# КЕЛАЖАК

## МАКТАБИ

“Z авлод” ёки таълимни тубдан ўзгартирадиган 4 технология

Замонавий технологиялар таълим тизими самарадорлигига таъсир этувчи асосий ҳаракатлан-тирувчи кучлардан биридир. “Z авлод” болалари қўлида смартфон билан туғилади ва мактабнинг вазифаси уларни интернет ва гаджетлар имкониятларидан юз фозизгача фойдаланишга ўргатишдир.

Х а, инновацияларни ўзлаштиришга катталарнинг ўзларида ҳар доим вақт бўлмайди. Технологияни тушунмасдан, биз мактаб ўқувчиларини XXI асрдан XIX асрга қайтаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунга қарамай, бугунги болалар асосан технологиянинг ривожланиши билан белгилан-диган дунёда яшайдилар ва бу билан ҳисоблашиш керак. Демак, бугун мактаб таълимидаги инқилобни яқинлаштирадиган технологиялар ҳақида гаплашамиз.



## Ҳамкорлик

# ТАТУ ТАЛАБАЛАРИ ИТАЛИЯДА СТАЖИРОВКА ЎТАШАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Италиянинг Sababa Security компанияси ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Меморандумда икки томонлама талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг алмашинув дастури назарда тутилган.

Шу муносабат билан Сингапур менежментни ривожлантириш институти биносида IT йўналиши талабалари учун Sababa Security билан ҳамкорликда киберхавфсизлик бўйича танлов бўлиб ўтди. Ёзма тест ва суҳбат асосида ўтказилган бу танловда республика ОТМларидан 50га яқин талабалар қатнашди ва уларнинг беш нафари ғолиб бўлди.

Қувонарлиси, ғолибларнинг уч нафари ТАТУ талабалари – Муслим Азизов, Шоҳрухбек Юрсун-жонов, Шаҳзод Акрамовдир. Ғолиблар жорий йилнинг 1 апрелидан 30 июнигача Sababa Security компаниясида стажировка ўташ учун йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, Sababa Security компанияси томонидан киберхавфсизлик бўйича навбатдаги танловлар 17 март куни ТАТУда ва 18 март куни ТАТУнинг Фарғона филиалида амалга оширилиши режалаштирилган.







Жумадан  
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 феврал куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айланттириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда божхона тизимини ривожлантириш, биринчи навбатда постлардаги шароитларни яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар ҳаёти, sanoat лойиҳалари билан танишиш мақсадида 18 феврал куни Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида бўлди. Давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманига ташрифи чоғида “Алмерро груп” МЧЖнинг қандолат корхонаси фаолияти ва “Янгиҳаёт” индустриал технопарки қуриладиган майдон, Дўстлик маҳалласи ҳаёти ҳамда “бокс стрит” куриш лойиҳаси билан танишди. Президент Тошкент шаҳрида ҳаракатланаётган электробусни ҳам кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев Янгиҳаёт туманидаги “Тошкент индекс” савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасида бўлди. Шу ерда Янгиҳаёт ва Сергели туманларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

2022 йилнинг 22 феврал куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Камалов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Хакала ҳамда ЕИнинг Афғонистон бўйича махсус элчиси Томас Никлассонни қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг Афғонистон йўналишидаги муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 феврал куни ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ва аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга ташриф буюрди. Биринчи рақамли борт илк бор Тошкентдан Мўйноққа келди. Ташриф уч кун давом этиши режалаштирилган.

23 феврал куни Сенатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева-нинг Европа парламенти-нинг ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси Дэвид Маккалистер бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди. Томонлар Европа Иттифоқи билан алоқалар, хусусан, парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қабулини ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли қучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.

# ҚОРАЎЗАКДА СОҲА РИВОЖЛАНМОҚДА

## АКТ вазири туман почта ва телекоммуникация ходимлари билан учрашди

Ахборот технологиялари в комму-никацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматов 22 феврал куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Қораўзак туманида янги почта алоқа бўлими очилиш маросимида иштирок этди ва телекоммуникация боғламалари фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4921-сонли қарори билан белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоқ филиалининг Қораўзак туманида жойлашган почта алоқаси бўлими биноси мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Туман аҳолиси ва боғлама ходимларига қўлайлик яратиш мақсадида амалга оширилган ушбу бунёдкорлик натижасида бино хоналари кўркам қиёфа касб этиб, янги замонавий жиҳозлар билан



таъминланди. Энди ушбу почта алоқаси бўлимида аҳолига замонавий ва қўлай шароитларда хизмат кўрсатилади.

“Боғлама-мижоз” тартибида почта жўнатмаларини марказдаги саралаш бўлимидан олиб манзилгача етказиб бериш амалиётини жорий этиш доирасида туман почтачилари электроскутерлар билан таъминланди.

Айни дамда туман аҳолиси ва меҳмонлари учун ушбу почта бўлими томонидан хат-хабарлар тарқатиш, пул ўтказмалари, жўнатмалар, даврий нашрларга

обуна қилиш ва тарқатиш, барча турдаги коммунал тўловларни қабул қилиш, шунингдек, давлат, банк ва кurerлик хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ташриф доирасида АКТ вазири Ш.Шерматов Қораўзак туманидаги телекоммуникациялар боғламаси ва унинг қошида ташкил этилган IT марказ фаолияти билан ҳам танишди.

Учрашувда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва АКТ соҳасига кўпроқ ёшларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Малака ошириш

## АКТ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК МАРКЕТИНГДАН ТОРТИБ СТРЕССНИ ЕНГИШГАЧА...

Жорий йилнинг 21 февралда “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК раҳбар-ходимлари малакасини ошириш учун беш кунлик ўқув семинари бошланди. “Ахборот-коммуникация технологияларининг рақамли иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни” мавзусига бағишланган ўқув машғулотларида “РРТМ” ДУКнинг вилотлардаги таркибий бўлинмалари раҳбарлари иштирок этишмоқда.


Семинар очилишида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Жамол Махсудов ҳам қатнашиб, бундай амалий машғулотлар раҳбарлар малакасини оширишда ўта муҳимлигини таъкидлаб, иштирокчилардан яна фаол бўлишни сўради. Шунингдек, “РРТМ” ДУК бош директори Муроджон Собиров, “М-Factor” МЧЖ асосчиси Ҳасан Мамасаидовлар ҳам сўзга чиқиди.

Дастлабки кун ўқувларида раҳбар ходимларнинг корхонада стратегик маркетингни олиб бориши, бу борада SWOT бошқа таҳлил усулларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, КРП тизими ва уни тўғри ташкил этиш заруриятла-



ри бўйича маърузалар қилинди. Эътиборлиси, қатнашчилар ҳам ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан кўплаб баҳс-мунозараларга киришиб кетишди.

Ҳақиқатда беш кунлик ўқув курсларига эътиборни тортадиган мавзулар киритилган. Хусусан, кадрларни бошқариш менежменти, раҳбарларда касбий стресс профи-



лактикаси ва уни енгиш усуллари, нега маркетинг ишламаяпти, раҳбар кадрларнинг креатив фикрлаш кўникмаларини оширишнинг инновацион усуллари сингари мавзулар тингловчилар учун фойдали бўлишига шубҳа йўқ.

Корхонада бошқарув самардорлигини ошириш йўналишлари бўйича ташкил этилган ўқув машғулотлари 25 февралгача давом этади ва тингловчилар, ўз навбатида, анъанавий бошқарув ҳамда илғор хорижий тажриба билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Машғулотлар якунида тингловчиларга сертификатлар топширилади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу махсус курслар “М-Factor” МЧЖ ўқув биносидан бўлиб ўтмоқда.



Баъзан Манзураҳондан “Қаерда ишлайсиз?”, дея сўраб қолишди. Почтада деса “Ҳа, шунақами? Хат жўната-сизларми, газета тарқатасизларми?” дея назарга илишмайди. Шундай пайтда Манзураҳоннинг жаҳли чиқади. Наҳотки билмасангиз, почта одамларга энг қадрдон манзил, халқ хизматкори. Буни почтаamt залига келсангиз ўзингиз гувоҳ бўласиз, демокқа чоғланадию табиатига кўра индамай кўя қолади. Фойдаси йўқ. Уларга етиб бормайди. Тушунмоқлари мушкул. Мен учун энг сеvimли жой – корхонам, ҳаётимни мазмуну моҳияти бу – ПОЧТА эканлигини улар қайдан ҳам билсин, англасин!



# ПОЧТА... МАФРУР ЖАРАНГЛАЙДИ!

Унинг ҳаёти кўплаб почтачиларникидан фарқ қилмайди. Шу касбга боғланиб қолган. Маош кўпайганда ҳам, озайиб кетганда ҳам сабрни устувор қилиб ишлаб келмоқда. Шунга ҳам мана роппа роса 36 йил бўлибди. Ҳамкасбларидан бир масалада фарқ қилса керак. У мактабни тугаллаганда касб танлашда қийналмаган. Ҳа, бу борада омад унга кулиб боққан. Фарғона шаҳридаги 10-мактабда ўқиб юрган кезлари “учкомбинат”, яъни соддароқ айтганда, ўқув-касб ўрганиш комбинатига ҳам қатнади. Бу ерда у илк устози Куштаповани учратди. Людмила Ивановнинг алоқа соҳаси мавзусидаги дарсларини ҳайрат ичра жон қулоғи билан тингларди. Бу сеҳрли, жумбоқли, анча сирли маърузалар эди! Телеграмма, марка, хат... Соҳани ипидан игнасигача биладиган устоз Куштаповага ҳамма болалар ҳавас қиларди. Бўлмасамчи, опа соҳани бамисоли шоирлардек шеърй қилиб мадҳ этарди! Энг ажойиби кейин содир бўлди. У мактабни тугаллаб уйлари ёнгинасидаги почтага иш сўраб борди. Анави эшикка кириш, дейишгач, эшикни очса, рўпарасида устоз Куштапова турибди-ку! Мен, дедую негадир ҳаяжондан овози чиқмай қолди.

– О, ўзимнинг ўқувчим келибдику! Қандай соз! – деди устоз ўшандай баланд ва мафтункор овозда. – Менинг ўқувчиларим соҳанинг ҳар жабҳасини олиб кетаверадилар!

Хуллас, уни “Фарғона почтаси” очик акциядорлик жамияти Фарғона почтаamtи 6-алоқа бўлимига шогирд операторликка ишга қўйишди. У соҳага муҳаббат қўйиб бир умр қолиб кетаман, деб ўйламаган эди. Ярим йил ўтар-ўтмас билдики, шу соҳа уники экан! Бор ақл қувватларини сафарбар этиб сабот билан иш ўрганди. Ишонч қозонди. Пул ўтказмалари оператори, суғуртали жўнатмалар бўлим мудири, Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи алмашиб ишловчи алоқа бўлими бошлиғи, шу тармоқ пул жўнатмалари ва матбуот бўлими бошлиғи... Иш бошлаган дастлаб-

ки йилларданок жамоада Манзура Ибрагимова бўлиб ўз ўрнини топа олди. Икки йилдан ошди. Энди Манзураҳон Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси 1-тоифа назоратчиси.

Раҳбарият фидойи ходимлар ҳақида газетага ёзишга Манзураҳон номзодини кўрсатишди. Буни эшитиб, у бир сония жимиб қолди. Қизаринқираб, нега энди мен, деди, базўр ўзига келди, агар бошлиқлар айтишган бўлишса, унда менга таълим-тарбия берган устозларимни ёза қолинг, дея бир бошдан санай кетди: аввало раҳматли устозларимдан бошлай – олижаноб раҳбаримиз Нўрмон Каримов, беҳад сокин, солиҳ Яҳё Мадмаров, ғайрат-шижоатли Юсуфжон Холматов... Уларни ёшларни ҳақиқий почтачи қилиб камолга етказишдаги чеккан заҳматларининг ажру мукофотларига сазовор айласин. Жойлари жаннатда бўлсин. Биринчи устозимни ҳамма танийди. Бебаҳо инсон, кўпларнинг устози Людмила Куштапова. Кейинроқ Наталья Клиных, Набижон Араббоев, Расул Қамбаров каби устозларнинг олтинданда қиммат йўл-йўриқларини олиш насиб этди. Уларнинг ахшиликларини сира унутмайман. Умрларини зиёда қилсин.

“Камсуқум, камтар, ишига ниҳоятда масъулиятли” – жамоада уни шундай таърифлайдилар. Мен ҳам Манзураҳонни ўзининг таърифи бўйича “почтани жонидан ортқ сеувчи аёл” сифатида танийман. Бунга тахминан ўн беш йиллар бўлгандир. Ва ҳар гал уни филиалда учратсам бир мутафаккирнинг “Ахлоқим суягим каби зарур!” деган сўзлари ёдимга тушади. Ўта жиддий ва айни пайтда осойишталик, ройишлик барқ урган чехрасида сезилар-сезилмас маҳзунлик кўраман. Ҳамиша шундай. Кеча суҳбатда ҳам, аслида маҳзун бўлмасангиз ҳам бўлади, ахир оилангиз бутун. Турмуш ўртоғингиз Исроилжон Қосимов “Азот” АЖ ишчиси, ягона бўлса ҳам иқтидордан худо берган Худойберди ўзингиз Москвадаги Д.И.Менделеев номи Россия ки-

“  
– О, ўзимнинг ўқувчим келибдику! Қандай соз! – деди устоз ўшандай баланд ва мафтункор овозда. – Менинг ўқувчиларим соҳанинг ҳар жабҳасини олиб кетаверадилар!

мё-технология университети магистранти, давлат гранти асосида таҳсил оляпти, нега ҳамон шикастадилсиз, дея сўрай олмадим. Нима бўлганда ҳам у бири-бирдан дилбар ва доно аёллари бўлган аҳил жамоанинг муносиб аъзоси.

Юлдузхон Абдуллаева, Турғуной Тешабоева, Саидахон Аҳмедова, Гуласалхон Ҳалимова, Насибхон Тешабоева, Наврўзахон Якубова, Зиёдахон Раҳмонова, Гуласалхон Мўминова, Сайёрахон Тиллабоева, Анна Ушакова, Шаҳодатхон Шерматова, Марғубахон Отабоева, Азизахон Мирзаева, Арофатхон Каримова... Уларнинг бир-бирларига ўхшамаган бетакрор фазилати, малоҳати ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Шу кунларда уларнинг кайфияти аъло даражада. Сабабини биласиз, Халқаро хотин-қизлар байрами яқин қолди. Филиал касаба уюшмаси кўмитаси ҳам, бошланғич касабакўм ҳам аёлларга иззат-икром кўрсатиш тараддудида. Соҳа учун осон кечмаётган давр бўлса ҳам муҳтарам ва муқаддас аёлга эҳтиром кўрсатиш ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Яқинлашиб келаётган байрамнингиз Сиз, азизларга ўзингиз орзулагандан ҳам кўпроқ қувончу шодликлар ҳада этсин!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Суратда: Манзура Ибрагимова (ўндан биринчи) шогирдлари билан.

Сайёр қабул

## МУРОЖААТ ҲАЛ — МУАММО ҲАЛ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги соҳадаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида жойларда кўплаб сайёр қабуллар ўтказиб келмоқда. Ана шундай қабуллардан бири Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида бўлиб ўтди.


Сайёр қабулда дастлаб ўтган йили Булунғур туманида соҳа йўналишида амалга оширилган ишлар ҳамда 2022 йил мобайнида режалаштирилган вазифалар тўғрисида йиғилганларга маълумот берилди.

Тадбирда 200 нафардан зиёд жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиб, соҳа юзасида ўзларини қийнаётган муаммо ва шикоятлар ҳамда таклифларини билдирди. Фуқаролардан телекоммуникация, мобил алоқаси, радио-телевидение, мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларга қабул ва ўқувчиларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида 45та мурожаат келиб тушди, шундан 18та мурожаат жойида ижобий ҳал қилинди ва 27таси назоратга олинди.



Шунингдек, Самарқанд вилояти бўйича 2021 йил якунлари таҳлилига асосан жисмоний ва юридик шахслардан соҳа йўналишида энг кўп келиб тушган шикоятлар ва такрорий мурожаатлар бўйича Самарқанд шаҳридаги “Богшамол” ҳамда “Ферузабоғ” МФЙларнинг фуқаролари билан ҳам учрашув ўтказилди. Аҳолига соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар тўғрисида маълумотлар берилди. Ушбу аҳоли масканларидаги етти та симёғоч алмаштирилди. Алоқа кабеллари тартибга келтирилиб, учта маҳалла фуқаролар йиғини худудида юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш ишлари бошланди.





# КЕЛАЖАК МАКТАБИ

## “Z авлод” ёки таълимни тубдан ўзгартирадиган 4 технология

### Креатив (ижодий) макон

Давлатга қарашли Колумбин мактабида (Колорадо штати, АҚШ) синф майдонини ўзгартириш бўйича тажриба ўтказилди. Тадқиқот шиори: “Янги ўрганиш янги шароитларни талаб қилади”. Экспериментал дастур технология ва янги ўқитиш усулларида фойдаланишни ўз ичига олган. Жамоа ўз олдига таълимни шахсийлаштирилган, мослашувчан ва ҳақиқий қилиш вазифасини қўйди.

Ўқувчилар йиғилиб, бутун дунёдаги тенгдошлари билан мулоқот қила оладиган янги синфга кўп тармоқли дам олиш маскани – Skure Mountain ўрнатилди. Шунингдек, синф хонасида ўқувчиларга мўлжалланган кичик ўқув майдонлари ва таниқли шахслар ҳамда воқеалар ҳақидаги қисқа, илҳомлантирувчи тасвирли тарихлар тўплами бўлган “ҳикоялар тахтаси” ҳам ташкил этилди. Келинг, нима содир бўлишини кўриб чиқайлик.

### Смарт-доска ва смарт-стол

Америка мактабларида фаол қўлланилаётган яна бир янгилик бу смарт-доскадир. Ақлли тахталар одатдаги доскалардек ишлайди, фақат ўқувчи уларга бўр билан эмас, балки рақамли маркерлар билан ёзади.

Баъзи турдаги тахталар улкан рақамли сенсорли экранларга эга. Болалар сизнинг дарсингизда қандай қилиб тасвирларни эркин бошқаришини, одамнинг ички органларини ўрганишини ёки Юпитернинг сунъий йўлдошини кузатишини тасаввур қилинг! – а!

Смарт-стол бир хил рақамли дисплей, фақат горизонтал ҳолатда. У девордаги маълумотларни ўқийди ва стол устига “қўяди”, бу ерда бир гуруҳ болалар биргаликда вазифани ҳал қилишади. Масалан, сиз ўқувчилардан рақамларнинг ранг бўйича жойлаштиришни ёки харитада Африканинг барча мамлакатларини белгилашни сўрашингиз мумкин.

Умумий мақсадга эришиш ўқувчиларда XXI аснинг асосий кўникмаларидан бири бўлган жамоавий ишлаш маҳоратини шакллантиради. Ақлли стол, шунингдек, ногирон болалар фойдаланиши учун мослаштирилган. Бу “Z авлод”ни ўқув жараёнига жалб қилиш ва замонавий ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш учун мукамал қурилма.

### Ақлли камералар

Уч йил олдин Хитой мактабларида дарсдан чалғинган болаларни аниқлашга ёрдам берадиган юзни таниш тизими ишга туширилди. Ишлаб чиқувчиларнинг фикрича, инновация синф ўқувчиларининг дарсга бўлган диққат-этиборини оширади. Тизим учта камера ёрдамида ўқувчиларнинг юз ифодаларини таҳлил қилади ва фаоллик даражасини аниқлайди.

Янги техника аллақачон самардорлигини исботлади – ўқитувчилар иш унумдорлиги ошганини тез-тез эътироф этишади. Тўғри, жараён иштирокчилари ўқувчиларнинг дахшатга тушганини, ҳатто киприк қоқишдан ҳам кўрқиб қолганини айтишади. Аммо, бундай болалар тахлили ҳозирча ошкор қилинмаган.

Камералар кўпроқ инсонпарварлик таълим ёндашувларида ҳам қўлланилади. Америкадаги деярли

барча мактаблар синф майдонини кенгайтириш ва кўплаб муаммоларни ҳал қилиш учун Skype in Classroom дастурларида фойдаланадилар.

Биринчидан, тақлиф этилган ўқитувчилар ўз билимларини онлайн тарзда баҳам кўришади. Бу мактаб маъмуриятининг ҳам, ўқитувчининг ҳам вақти ва пулини тежайди. Иккинчидан, ушбу технология масофавий ўқитиш учун самарали ишлайди, бу баъзи сабабларга кўра мактабга бора олмайдиган болаларга ўрганиш имконини беради.

### Робототехника ва дастурлаш

Ушбу технологиялардан фойдаланиш болани замонавий технологик дунё шароитларига тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Робот кадрларидан фойдаланиш ва робототехникани ўқув предмети сифатида жорий этиш, бу – дунёни ва ташкилий кадрларни янгича идрок этиш усули. Ажойиб мисол, робототехника ўқув дастурининг бир қисмига айланган Италиядир.

Италия бошланғич мактабида ушбу фаннинг беш йиллик курси икки блокка бўлинган. Дастлабки икки йил давомида ўқувчилар масофадан бошқариладиган робот билан ишлаш орқали жараёнларнинг мантиқийлиги билан танишадилар. Кейинги икки йилда улар ўзларининг мураккаб роботларини лойиҳалаш, яратиш ва дастурлашни тақлиф қилишади. Вазифалар LEGO Education WeDo платформасида (илк икки йил) ва Lego NXT (қолган уч йил)да ҳал қилинади. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқайлик.

Бу барчага таниш бўлган оддий дастурий таъминотга эга LEGO ғиштчалар тўпламидир. WeDo дастлабки босқичларда муҳандислик ва робототехника курсига кириш учун ишлатилади. Таълим моделлари ва материаллари болаларнинг ёшига ва уларнинг қизиқишларига мослаштирилади: ёрқин ва катта деталлар, тез йиғилади.

Роботни бошқариш учун болалар код ёзмайди. Интерфейс визуал дастурлашга асосланган. Ўйин давомида бола бир вақтнинг ўзида робот дизайни (конструкцияси) асосларини ҳам, дастурлаш асосларини ҳам ўрганади.

LEGO NXT. Курснинг кейинги босқичи – LEGO NXT. Ушбу конструкторлар дастурга тўлиқ мослашиш босқичида – бола интеллектуал ва ақлий жиҳатдан янги вазифаларга тайёр бўлганда қўлланилади.

NXTни ўзлаштириш анча қийин, лекин имкониётлари жиҳатидан анча қизиқарли. Ғиштчалари анча кўп, улар унчалик ранг-баранг эмас, уланиш схемалари эса мураккаб. Аммо уларнинг ёрдами билан сиз аниқ ва мураккаб мақсадларга эга бўлган тўлиқ робот танасини яратишингиз мумкин.

LabVIEW. (Laboratory Virtual Instrumentation Engineering Workbench) кўплаб технологик инновацияларда, ракетапарни ишлаб чиқишга ҳам қўлланиладиган замонавий визуал дастурий таъминоти.

Бундай ҳолда, дастурий таъминот LEGOнинг барча ҳаракатлари ва товушларини бошқариш имконини беради. Бола учун бу тилни ўзлаштириш қийин эмас, у алоҳида элементларнинг “ўзаро тортишиши”га асосланган. Ўқувчи буйруқлар жумбоғини йиғаятганга ўхшайди.

Робот итоат қилиши учун сиз буйруқ блокларининг тўғри кетма-кетлигини яратишингиз керак.

Хуллас, болалар хурсанд.

Албатта, мактаб ўқув дастурига инновацияларни жорий этиш фақат юқорида санаб ўтилган технологиялар билан чекланиб қолмайди. Булар бизнинг мактабларда ҳам аллақачон амалга оширилиши мумкин бўлган энг ёрқин мисоллар, холос.

Муаллифдан: мактаб таълимида инновацион технологиялардан фойдаланиш жуда кенг мавзу. Бу мавзунга яна давом эттираман.

Усмонжон Йўлдошев



## В МУЙНАКСКОМ РАЙОНЕ БЫЛА ОРГАНИЗОВАНА ВРО-ШКОЛА

Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов в ходе своего визита в Республику Каракалпакстан непосредственно ознакомился с деятельностью ВРО-школы, организованной в Муйнакском районе.

Организация ВРО-школы дает возможность муйнакской молодежи для изучения английского языка и ВРО-услугами, а также экспорту IT-продукции и услуг непосредственно из Муйнака.

Будущие ВРО-специалисты могут управлять бизнес-процессами по управлению грузовыми автомобилями в США из Муйнака, и тем самым осваивать зарубежный опыт и высокий доход.

В ходе визита Министр ИКТ Ш. Шерматов дал поручения по



более широкому привлечению молодежи в учебный центр, разъяснению необходимости углубленного изучения английского языка и налаживанию по оказанию ВРО-услуг.

Была отмечена важность

развития IT-предпринимательства наряду с другими приоритетными направлениями ИКТ-сферы, в том числе увеличения экспорта IT-продукции и сервиса путем оказания ВРО-услуг.

## TERRALINK ПЛАНИРУЕТ ВОЙТИ НА РЫНОК УЗБЕКИСТАНА

Представители одного из ведущих системных интеграторов, занимающего лидирующие позиции на рынке информационных технологий стран СНГ – TerraLink, в лице директора по развитию бизнеса SAP Эльдара Билялова и менеджера по работе с ключевыми клиентами Рината Ханбекова посетили IT-Park.

В ходе встречи, гости обсудили с представителями IT-Park вопросы регистрации юридического лица в Республике Узбекистан и требования к резидентам IT-Park. Компания TerraLink заинтересована в становлении резидентами IT-Park и развитии своей деятельности в Узбекистане.

По итогу, стороны обсудили все детали, касательно выхода на рынок Узбекистана и становления резидентами IT-Park.

### О TerraLink

Компания была основана в 1898 году в Канаде. С 1994 года TerraLink работает на рынке России и стран СНГ. Основными направлениями деятельности компании являются: бизнес-консалтинг, SAP-экспертиза, ESM-экспертиза, инфраструктурные решения, решения для производства,



юридически значимый электронный документооборот.

В команде работают более 800 специалистов. Выручка компании в 2020 году составила более \$60 000 000. На сегодняшний день TerraLink входит в ТОП-100 крупнейших IT-компаний России.

## УЗБЕКСКИЕ УЧЕНЫЕ РАЗРАБАТЫВАЮТ СКОРОСТНЫЕ ЗАРЯДНЫЕ УСТРОЙСТВА ДЛЯ ЭЛЕКТРОМОБИЛЕЙ

В рамках развития «зеленой экономики» ученые национального Научно-исследовательского Института возобновляемых источников энергии разрабатывают инновационный проект по созданию скоростных зарядных устройств для электромобилей на основе использования солнечной энергии.

При технической поддержке китайской компании Henan Suda Electric Vehicle Technology Co., Ltd. институту было выделено 20 электромобилей, на базе которых будут проводиться научные исследования.

Отмечается, что на территории самого института установлены солнечные панели общей мощностью 45 кВт/ч, на базе которых вырабатывается бесперебойно обеспечивающая организацию электроэнергией.

Цель проекта – разработка с учетом климатических условий Узбекистана для внедрения во всех регионах устройств по быстрой зарядке электромобилей, которые будут работать параллельно с местной



электросетью, через солнечные фотоэлектрические станции с системой накопления энергии.

В результате каждая установленная в стране такая система будет вырабатывать 32 тыс. кВт/ч электроэнергии в год, что рассчитано на зарядку 950 электромобилей, а кроме того, экономить 11,2 тыс. кубометров природного газа и предотвращать выброс в атмосферу 19,8 тонны вредных веществ.

## В УЗБЕКИСТАНЕ УСТАНОВЯТ «УМНЫЕ» КАМЕРЫ, НА КОТОРЫЕ НЕ РЕАГИРУЮТ АНТИРАДАРЫ

Турецкая компания ÜS NOKTA реализует в Наманганской области инвестиционный проект стоимостью 10 млн долларов.

В его рамках будут установлены новое поколение «умных радарных систем», работающие с лазерным комплексом и на которые не реагирует антирадарное оборудование. Об этом сообщает пресс-служба областного хокимията.

Данная система способна регулировать движение на дорогах и перекрестках, предотвращать ДТП, а также ограничивает человеческий фактор для предотвращения коррупции.

## ГОТОВИТСЯ ПРОГРАММА ПОВЫШЕНИЯ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ ЗДАНИЙ

Минэнерго разрабатывает программу повышения энергоэффективности зданий и сооружений, передает пресс-служба министерства.

Документ будет охватывать социальные, коммерческие и административные здания. Предварительно, к апрелю, ожидается проект указа президента о повсеместном внедрении возобновляемых источников энергии — это следует из пятилетней стратегии развития страны.

В подготовке национальной программы Минэнерго помогут эксперты и консультанты Всемирного банка, профильные министерства и ведомства.

Ключевые позиции готовящегося документа:

- использование возобновляемых источников и устройств генерации электро- и тепловой энергии в строящихся жилых, социальных и коммерческих объектах массивов «Янги Узбекистон»;
- разработка типовых проектов для частного сектора, социальной сферы и местного самоуправления;
- стимулирование руководства учреждений социальной и бюджетной сфер к внедрению энергоэффективных технологий;
- государственная помощь малообеспеченному населению в переходе на альтернативную энергетику.

## ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЙ РАУНД ОЛИМПИАДЫ BALATECH СОСТОИТСЯ 5 МАРТА

Организаторы международной олимпиады по программированию BalaTech объявили о проведении дополнительного раунда. Об этом сообщает пресс-служба IT-Park.

Олимпиада проводилась в онлайн-формате 19 февраля среди 50 тыс. школьников трёх возрастных групп. Участники боролись за ноутбуки, смартфоны и скидки на обучение за рубежом.

В процессе выполнения заданий у некоторых участников возникли технические неполадки. Для всех них организаторы решили провести дополнительный раунд.

Второй раунд состоится 5 марта и выявит ещё 100 победителей. Призовой фонд — \$5 000.

Потенциальным участникам дополнительного раунда на почту, указанную при регистрации, придёт письмо об апелляции.

Подробная информация об олимпиаде доступна на сайте BalaTech.





## УЛАРИНИГ ОРАСИДА СИЗ ҲАМ БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН — CLEARVIEW AI ҲАММАНИ КУЗАТМОҚЧИ

Ўзни таниш тизими билан шугулланувчи Clearview AI (AQSH) компанияси ўз сармоядорларига бир йил ичида базисдаги инсонларнинг юзлари акс эттирилган фотолар сони 100 миллиардга етишини маълум қилди. Шу тариқа “дунёдаги ҳар бир шахсни аниқлаш мумкин”, деб ёзди The Washington Post. Кўпол ҳисобланганда, Ердаги ҳар бир одамга 14 тадан фотосурат тўғри келади. Ана шу суратларни Clearview AI дунёдаги ҳуқуқ ва ҳуқумат органларига кузатиш мақсадларида тақдим этмоқчи. Албатта, текинга эмас.

Кўпчилигимиз тинмай интернет орқали улашаётган ўзимиз ва яқинларимизнинг фотолари кимларгадир тайёр хўрак. Масалан, Clearview AI фотоларни асосан ижтимоий тармоқлар ва веб-сайтлардан олиб тўплайди. Ҳеч қандай рухсатсиз!

Clearview AIнинг ташаббуси, турган гапки, дунёнинг йирик IT-гигантларини ташвишга солиб қўйди. Facebook, Google, Twitter ва YouTube зудлик билан фотоларни берухсат йиғишни бас қилишни, тўпланган фото-контентни ўчириб ташлашни талаб қилишди. Clearview AI ўз фаолияти қонунийлигини AQSH конституциясига киритилган Биринчи тузатишга асосланиб ҳимоя қилмоқда.

Айтилишича, компания устидан судга шикоятлар кўпайган: масалан, Калифорния, Иллинойс, Нью-Йорк, Вермонт ва Виржиния штатларида. Нью-Жерси бош прокурори полицияга Clearview AI технологиясидан фойдаланишни ман қилди. Швецияда шу технологиядан фойдаланган полиция бошқармаси ўтган йили жаримага тортилганди. Қолаверса, компания Канада, Швеция ва Буюк Британияда жамоавий, Франция, Греция, Италия ва Буюк Британияда жамоатчилик даъволарига учради.

Бироқ ҳаммаёқда ҳам демократия эмас. Таъкидланишича, компания фаолият бошлаганидан буён мижозлари сафи анчагина кенгайган — AQSHнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Миллий хавфсизлик вазирилик, ҚФБ ва Пентагон. Булар билганларимиз...

## ДУБАЙДА КЕЛАЖАК МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ



Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида Келажак музейи тантанали равишда очилди.

Музей биноси меъморчилик мўъжизаси дея эътироф этилмоқда. Ақл бовар қилмас дизайни ва илгор технологиялари сабабли ушбу маскан National Geographic журнали томонидан ўтган йилдаёқ дунёнинг энг чиройли 14 музейи рўйхатига киритилган.

Музей биноси ташқи қопламаси зангламас пўлатдан ишланиб, араб хусниҳати билан безалган.

“Келажак уни тасаввур қила олганлар, лойиҳалаштирганлар ва жонлантира олганларники”, — дейилади ушбу ёзувлардан бирида.

Ҳозирда технологиялар кўргазмаси турли мавзулардаги бешта экспозиция: фазо ва фазовий парвозлар келажаги, ҳаёт, иқлим ўзгаришлари ва экология, соғлиқни сақлаш ва маънавий йўналишларида тақдим этилган.

Музей биноси етти қаватли, баландлиги 77 метр, майдони 30 минг квадрат метрдан иборат. Лойиҳа муаллифи амирликлар фуқароси — расом Маттар бин Лоҳиж. Бино қопламалари — пўлат кошнларни роботлар ясаган. Музей атрофида 80 хил ўсимликлар экилган, улар автоматик суғориш интеллект тизими томонидан парваришланади.

## АНДРОИД-СМАРТФОНЛАР- ДАН ПУЛ ЎГИРЛОВЧИ ВИРУС ПАЙДО БЎЛДИ

ThreatFabric ахборот хавфсизлиги компанияси андроид-смартфонлар учун хавфли Xenomorph вирусини аниқлади.

Ушбу вирус Fast Cleaner иловаси остида яширинган. Xenomorph смартфонга жойлашиб олганидан сўнг, бошқа иловаларнинг ойналарини очади, SMS-хабарларни ўқийди, умуман, фойдаланувчининг хатти-ҳаракатларини кузатувга олади. Сўнгра маълумотлар операторга (хакерга) сиздирила бошла-



нади, кейинчалик булар қора бозорда сотувга қўйилиши мумкин.

Бироқ бу вируснинг энг хавфли жиҳати — фойдаланувчининг шахсий кабинетини бузиб кириб, ноқонуний транзакцияларни амалга ошириши, яъни шахсий ҳисобдаги пуллари ўзлаштиришидир.

Xenomorph шу пайтгача 50 мингдан ортиқ қурилмани зарарлашга улгурган.

## ҲАР БИР КИШИГА ОЙИГА 10 ГБ ИНТЕРНЕТ БЕПУЛ БЕРИЛАДИ — ЖАНУБИЙ АФРИКА

Жанубий Африка Республикасида ҳар бир кишига интернетдан асосий хизмат сифатида бепул фойдаланиш имконияти яратилади. Бу ҳақда Business Tech хабар берди.



ЖАР алоқа ва рақамли технологиялар вазири Кхумбудо Нтшафенининг айтишича, 2023–2024 йиллардан эътиборан ҳукумат мамлакатдаги ҳар бир ҳужаликни ойига 10 ГБ атрофида бепул интернет билан таъминламоқчи.

“Интернет сув ва электр энергияси каби ҳамма учун фойдали ва керакли хизматга айланди. Биз ЖАРдаги ҳар бир оилани, бой ёки камбағаллигидан қатъи назар, ойига 10 ГБ интернет билан таъминламоқчимиз”, — деди вазир.



## Халқаро ҳаёт

### ЕИ МАМЛАКАТЛАРИ РОССИЯГА ҚАРШИ САНКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ



ЕИ мамлакатлари Россияга катта зарар етказадиган санкциялар пакети қабул қилинишини бир овоздан ёқлади, деди ташкилотнинг хорижий ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Жозеп Боррел.

Боррелнинг айтишича, Донбасснинг мустақиллиги учун овоз берган Госдума (Давлат думаси)нинг 351 нафар депутати Европа

иттифоқи қора рўйхатига киритилди. Россиянинг Донбассдаги амалиётларини молиялаштираётган 27 жисмоний ва юридик шахс, жумладан, банк ва ташкилотлар ҳам қора рўйхатга киритилган.

РФ президенти ЕИ санкциялар рўйхатига киритилмаган.

Боррел Германия “Шимолӣ оқим-2” газ қувурини сертификатлашни тўхтатганини олқишлади. Европа иттифоқи Россияни музокаралар столига қайтариш учун, жумладан, БМТ ва ЕХҲТ доирасида, дипломатик босимни кучайтиришда давом этади, деди у.

### УКРАИНАДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Украина миллий хавфсизлик ва муҳофаза кенгаши (МХМК) бутун Украина ҳудудига, “Луганск ва Донецк ХР” дан ташқари, фавқулодда ҳолат жорий этишга қарор қилди.

24 феврал куни мамлакат Олий радаси ушбу қарорни тасдиқлади.

“Донецк ва Луганск вилоятларига келсак, у ердакининг қонунийлигини билан мувофиқлаштириб турилган алоҳида тартиб бор. Шунинг учун ҳам бу ҳудудда фавқулодда ҳолат жорий этилмайди, афсуски, у ер аллақачон, 2014 йилдан бери фавқулодда ҳолатда”, — деди МХМК котиби Алексей Данилов.



### ЖССТ ПАНДЕМИЯ ТУГАШИГА ИШОРА ҚИЛДИ

Коронавирус пандемияси 2022 йилда ниҳоясига етиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус вакили Мелита Вуйнович шундай баёнот берди.

Вуйновичга кўра, “омикрон” тўлқинлари босилганидан сўнг янги касалланиш ўчоқлари пайдо бўлмалиги мумкин. Бироқ бу вирус батамом йўқолиб кетишини аниқламайди.

“Омикрон” бутун Ер шарини айланиб чиққанидан улкан касалланиш ўчоқларини бошқа кўрмаймиз деган яхши гумондамиз”, — таъкидлади Россиядаги махсус вакил.

### ДУНЁДАГИ ЭНГ СЕРҚАТНОВ АЭРОПОРТ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Дубай (БАА) халқаро аэропорти, 2021 йил якунлари бўйича, яна бир бор дунёдаги энг серқатнов аэропортга айланди.

ТАСС хабарига кўра, Дубай аэропорти 8 йил-

дан бери етакчилик мақомини сақлаб келмоқда, ҳатто коронавирус пандемияси ҳам бунга халақит беролмади.

2021 йилда Дубай орқали авиайўловчилар оқими 29,1 млн. кишини ташкил этди. Бу пандемиягача бўлган даврга нисбатан сезиларли даражада паст, бироқ 2020 йилдагидан уч миллион киши (12 фоиз) га кўпроқ.

Хабарда айтилишича, “Экспо-2020” бутунжаҳон кўргазмаси ўтказилиши сабабли Дубай ҳаво порти рекорд даражада авиайўналишлар қесишадиган нуқтага айланди.

### ТЎҚАЕВ: “ТУРКИСТОН — ЧИМКЕНТ — ТОШКЕНТ ТЕЗЮРАР ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА”

Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев мамлакатнинг транспорт-логистика соҳасидаги салоҳияти юқорилигига ургу берди. Таъкидланишича, Хитой — Европа йўналишида ташувларнинг 83 фоизи Қозоғистон ҳудуди бўйлаб ўтади. Бироқ имкониятлардан унумли фойдаланилмапти.

Кўшни мамлакатда йирик қўламли темир йўл лойиҳалари амалга оширилади. Хусусан, режалаштирилатган Дарбоза — Мақтаорол янги темир йўли Россиядан Марказий Осиёга транзит ташувларини фаоллаштиради, Туркистон — Чимкент — Тошкент тезюра темир йўл магистрали қурилиши режалаштирилмоқда, деди Тўқаев.






Халқимизда “Харакатда баракат” деган асрлар синовидан ўтган бир ҳикматли гап борки, бу тиниб-тинчилаган инсонларга берилган ҳаққоний нисбатдир. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖ раҳбари Раҳимжон ҚОШАНОВ ҳам ана шундай ҳаракатидан барака топаётган инсонлардан бири.

– Бугунги кун ҳар биримиздан жуда катта маъсулият, меҳнат ва изланишни талаб қилмоқда, – дейди Раҳимжон ака. – Оиламиз билан тадбиркорликни ҳам йўлга қўйганмиз. Бизнинг авлод-аждодимиз савдо-сотик билан ҳаёт кечириб келишган. Бобом, момом, отам Йўлдошбой, онам Реймажон ҳам бир умр савдо соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор, ҳурмат-иззат топган инсонлар. Бугун фарзандларимиз билан сулоламиз давомчилари бўлаётганимиздан хурсандмиз.

Мамлакатимиз таъриқининг ҳозирги босқичида бозорларимиз ҳам ўзгача қиёфа касб этиб, уларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланмоқда. Хусусан, “Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишганимизда бу ерда нарх-навонинг асосиз оширилишини олдини олиш, сифатли маҳсулотлар билан савдо қилинишни таъминлаш, сотувчию харидорлар учун барча шарт-шароит яратишга катта эътибор берилётганига гувоҳ бўлдик.

– Хабарингиз бор, бугунги кунда мамлакатимизда халқ манфаатларига хизмат қилишга жуда катта эътибор берилмоқда, – дейди Раҳимжон Қошанов суҳбатни давом эттириб. – Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам давлат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида қаралмоқда. Ана шу икки муҳим вазибаларнинг ўзиёқ бизга жуда катта маъсулият юклайди. Аслини олганда, ҳар бир инсон виждонан иш қилса, албатта, ўша жойда ижобий ўзгариш бўлади. Демокчи бўлганим, қачонки меҳнатимиздан халқ рози бўлсагина ишимизда барака, унум бўлади. Бозорга тадбиркор бўламан деб келган инсон борки, қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, бу жараёнда ёшларни

# ТЎКИН БОЗОРЛАР ЭЛ РИЗҚИ



қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Уларга расталарда, савдо дўконларида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишлари, кўнгилдагидек ишлашларига имконият яратиб беришни бурчимиз деб биламиз.

“Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖ 2010 йилда ташкил топган бўлиб, етти ярим гектар майдонга жойлашган. Бозорда 0,8 гектар жойда автотураргоҳ, тўрт гектар жойда чорва бозори, шунингдек, қолган ҳудудда 172–608та савдо ва кўчмас

мулк дўконлари, саккизта раста мавжуд. Айни кунларда туман ҳокими Рустам Шомуродов бошчилигида яна 50та савдо дўкони қурилмоқда, яқин кунларда топшириш режалаштирилган. Шу билан бирга, талаб ва таклифларни инобатга олиб, бозорда яна бир қатор қулайликлар ва қўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

– Инсонларнинг кўнглига йўл топшиш, уларни рози қилиш кечаю кундуз ҳаракат ва фидойиликни, меҳнатни, кучли билимни талаб қилади, – дейди Раҳимжон ака. – Бозоримизни янада тўкин қилиш мақсадида юртимизнинг турли ҳудудларидаги тадбиркорлар, деҳқонлар ва ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Айниқса, Самарқанд вилоятида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан бозоримизга етказиб берилмоқда. Ҳозирги пандемия шароитидан кейин маҳсулотларни етиштириш ҳамда сифатли тарзда етказиб бериш янада кенгайди. Масалан, Ургут туманидан келтирилган оқ ва қора қишмишлар, ёнғоқ, нўхат, мош ва бошқа кўплаб маҳсулотлар расталаримизни обод қилмоқда. Бундай самарали ҳамкорликлар кенгайтириш натижасида тадбиркорларнинг даромад манбаи

кўпаймоқда, ўз навбатида, ишчилар учун қўшимча шароитлар яратилиб, уларни руҳлантиряпти. Фаолиятимиз давомида қўлимиздан келганча ёрдамга муҳтож инсонлар, оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор қаратяпмиз. Туманимиз ҳокими Рустам Шомуродов ҳам доим фаолиятимизни қонунчиликда белгиланган тартибда қўллаб-қувватлайди, кези келганда маслаҳат беради, кези келганда ҳамфикр бўлиб, истиқболли режаларни белгилайди. Ҳукуматимиз амалга ошираётган ислохотларга камарбаста бўлаётганимиздан жуда хурсандмиз.

Раҳимжон Қошанов 1977 йил 22 мартда Тўрткўл шаҳрида туғилган, 1995 йилда Тўрткўл савдо техникумини тугатган, Тўрткўл савдо базасида магазин мудири, кейинчалик эса хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган. “Тўрткўл эл ризқи бозори” МЧЖда дастлаб раҳбар ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди, 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар эса МЧЖни бошқариб келмоқда. Турмуш ўртоғи Насиба опа билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйгач, Тошкент, Самарқанд ва Ургут шаҳрларидаги тажрибали тадбиркорлар билан қандолат, ширинликлар, озиқ-овқат, нон маҳсулотлари савдоси бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ўғиллари Бобур, Қудрат, қизи Озода яқин кўмакчи.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига давлатимиз сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида эътибор қаратилаётгани билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Тошкентдаги озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам маҳсулотининг сифатига, турига қараб шартномалар тузиляпти. Айни пайтда тумanning ўзида ҳам сифатли ва харидориги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар кўпайиб қолган, улар ҳам ўз маҳсулотларини ушбу бозорда сотишни йўлга қўйишган.

– Президентимизнинг тегишли қарор ва фармонларининг ижросини

ҳаётга самарали татбиқ этишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди суҳбатдошимиз. – Бозоримизни янада тўкин-сочин ва обод қилиш, арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини юрдошларимиз дастурхонларига етказиб бериш алоҳида эътиборимизда. Тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлашда фидойи касб эгалари – бош ҳисобчимиз Атабек Султанов, назоратчилар – Ботиржон Матякубов, Тоҳиржон Жуманиёзов, Отамурод Авазимбетов ва кассир Журъат Рўзимбетовлар, шунингдек, Сарвар Ибрагимов, Ўткир Алтибаев, Гарифулло Гудурсунбоев, Руслан Ибрагимов, Нураддин Худойберганов каби ишчи-ходимларимизнинг хизматлари катта. Улар ўзаро ҳамфикрлик ва аҳилликда кечаю кундуз ўз вазибаларига маъсулият билан ёндашиб, элнинг дуосини олиб келишмоқда. Бизни қувонтиргани, бозоримизга нафақат шу ерда яшайётган инсонлар, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан ҳам жуда кўплаб сотувчию харидорлар келишади. Келаётган ҳар бир инсоннинг кўнглига йўл топа билишда муомала маданиятининг ҳам ўрни катта. Биз фаолиятимиз давомида ана шу жиҳатга ҳам ҳар доим эътибор бериб келяпмиз.

Суҳбатдошимизнинг сўзларига кўра, бозорни арзон маҳсулотлар билан тўлдириш учун юртимизнинг турли ҳудудларидаги тадбиркорлар, миришкор деҳқонлар, фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Тошкентдаги озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам маҳсулотининг сифатига, турига қараб шартномалар тузиляпти. Айни пайтда тумanning ўзида ҳам сифатли ва харидориги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар кўпайиб қолган, улар ҳам ўз маҳсулотларини ушбу бозорда сотишни йўлга қўйишган.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,  
журналист



## БУГУНГИ КУНДА МАМ- ЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОР- ЛИК РИВОЖИ- ГА ДАВЛАТИ- МИЗ СИЁСАТИ- НИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ- ДАН БИРИ СИ- ФАТИДА ЭЪ- ТИБОР ҚАРА- ТИЛАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.



2021.5.15 10





## ҲИСОБДАГИ МАБЛАҒНИ ҚАНДАЙ ТЕЖАШ МУМКИН?

Ха, бу масала бугун барчани бирдек ўйлантиради. “Яқинда олган мегабайтларим бунча тез тугаяпти” ёки “Интернетни ёқиб қўйсам, маблаг тез камайиб кетаяпти”, деган гапларни тез-тез эшитиб тураемиз. Бу ҳолат сизга ҳам бегона эмас. Сабабини атрофдан излаб, айбдорларни ҳам дарров топа қоламиз. Бироқ, бу ўзимизга ҳам боғлиқ эканини билмаймиз. Биз қуйида сизга маблагнинг тез кетишига сабаб бўлувчи баъзи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тавсия берамиз.

Айтиш керакки, замонавий телефонларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг тизими ҳамда кўплаб иловалари интернетга чиқишга мўлжалланган эканида. Масалан, об-ҳаво маълумотини янгилаш, почтани текшириш, ижтимоий тармоқлардаги ҳисобга олиш қайдларини синхронлаш ва ҳақозо. Бошқача айтганда, имконият ва қулайликлар тизими бевосита интернет тармоғига улашиш билан боғлиқ. Тариф режасига асосан мобил интернетдан фойдаланиш ҳамёнга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Хўш, сарфланадиган харажатларни тежаш йўли борми? Албатта, бор!

Энг оддий усул қурилмадаги интернет сарфини камайтириш ҳисобланади. Бунга қандай эришиш мумкин?

Биринчи гада қурилмадаги ҳисобга олиш қайдлари созламасида мавжуд дастурларнинг автоматик синхронланишини бекор қилиш керак. Бунинг учун “Созлашлар” (Настройка) га кирасиз. “Ҳисобга олиш қайдлари ва синхронлаш” (Учетные записи и синхронизация)да “Автосинхронлаш” (Автосинхронизация)ни бекор қиласиз.

Шунингдек, телефон созламаларидаги “Трафик назорати” (Контроль трафика) деган қисмини топиб, у орқали Wi-Fi ва мобил тармоғи маълумотлар ўтказувини алоҳида назорат

қилишингиз мумкин. Шу ернинг ўзидан умуман маълумотлар ўтказувини, яъни интернетдан фойдаланишни ўчирса бўлади.

Операцион тизим белгиланган вақт мобайнида фойдаланилган трафик графигини ҳамда қайси иловалар кўпроқ интернет сарфлаётганини кўрсатиб беради. Иловани босиб, айнан унга сарфланадиган интернет миқдорини кўриш мумкин.

Қолаверса, мобил интернетнинг қўшимча иловасида маълум муддатда сарфланадиган трафикни чегаралаш мумкин. Чеклаш ҳудди ўша жаҳвалда алоҳида белгиланади, бу эса, ўз навбатида, интернет сарфи чегара, яъни лимитдан ортиб кетиш эҳтимоли борлиги ҳақида сизни огоҳлантиради. Агарда трафик тугаса, мослама автоматик тарзда маълумотлар ўтказувини тўхтатиб қўяди.

Шунингдек, иловаларни янгилаш учун ҳам кўп миқдорда трафик сарфланади. Уларни юклашда телефонингиз амалий тизимига мос келувчи иловалар виртуал дўконига ўтиб, иловаларни “Автосинхронлаш” “Автообновление приложений” бўлимида фақат Wi-Fi орқали янгилашни танлаш керак. Ёки умуман автосинхронлашни бекор қилиш зарур.

Ана шундай тартибда сиз ҳисобингиздаги маблагнинг турли исрофларига чек қўйишингиз мумкин.

### Эълонлар

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” ги Қонунининг 32-моддасига асосан, “LAN ENGINEERING” масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) 2022 йил 15 февралдаги аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2021 йил 19 февралда берилган АА серия 0007105 рақамли лицензиянинг амал қилиши ариза берилган санадан олти ой муддатга вақтинчалик тўхтатилди.

### ХАБАРНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2021 ЙИЛ 23 НОЯБРДАГИ ЎРҚ-730-СОНЛИ “СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ 39 ВА 41-МОДДАЛАРИ ТАЛАБИНИ БАЖАРИШ МАҚСАДИДА

“ALSKOM-VITA” SUG’URTA KOMPANIYASI MAS’ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI таъсисчилари умумий йиғилишининг 2022 йил 14 февралдаги қарорига асосан “ALSKOM-VITA” Sug’urta Kompaniyasi Mas’uliyati Cheklangan Jamiyati “FAROVON SUG’URTA” AKSIYADORLIK JAMIYATIra ўзгартирилди ва Тошкент шаҳар, Юнусobod тумани Давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилди.

“FAROVON SUG’URTA” Aksiyadorlik Jamiyati “ALSKOM-VITA” Sug’urta Kompaniyasi Mas’uliyati Cheklangan Jamiyatining barcha хуқуқ ва мажбуриятларини қабул қилди ва унинг хуқуқий вориси ҳисобланади. Шунингдек, “ALSKOM-VITA” Sug’urta Kompaniyasi Mas’uliyati Cheklangan Jamiyatining barcha кредиторлари ва қарздорлари, суғурта қилдирувчилари ва ҳамкорларига нисбатан бarcha мажбуриятлари бўйича жавобгарликни тўлиқ сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 17 февралда “Ўзбектелеком” АК томонидан 50 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблаг “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

### Табриқлаймиз!

“Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали ва касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари Исак ИСМАЙЛОВни муборак бо ёши билан сизқидидан табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

<p>ТАЪСИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p><b>Бosh муharrir:</b> Abdug’ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Tahrir Hay’ati: Sherzod SHERMATOV (Hay’at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o’rinbosari), Usmonjon YO’LDOSHEV (Mas’ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo’lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko’chirib bosilganda “Xabar”dan olinganligi ko’rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p><b>MANZILIMIZ:</b></p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko’chasi, 2-uy (Mo’ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO’RIYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIEV.</p>	
<p>Gazeta O’zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro’yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi 41-uy.</p>	
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>		<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	
<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>		<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>		<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	
<p>Nukusda 554-35-45</p>		<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>		<p>Termizda (99)508-30-52</p>	
<p>Toshkentda 234-18-59</p>		<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>		<p>Farg’onada (73) 244-18-05</p>	
<p>Qarshida (93)931-08-99</p>		<p>G-259 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3130</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17<sup>oo</sup> Bosishga topshirish vaqti — 24<sup>oo</sup></p>	